<p>билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора бериш, ваъда қилиш, сўраш ва олиш, шунингдек маъмурий, бюрократик ёки ҳар қандай шаклда бошқа жараёнларни осонлаштириш учун тўловларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Жамият ўз миждозлари, контрагентлари ва шерикларидан коррупцияга қарши мажбуриятларини бажаришини кутади.</p>	<p>прямо или косвенно, лично или через третьих лиц давать, обещать, запрашивать и получать взятки, а также производить платежи для облегчения административных, бюрократических или иных процессов в любой форме. Общество ожидает от своих клиентов, контрагентов и партнеров выполнения своих антикоррупционных обязательств.</p>
<p>17.3. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш асослари Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари ҳамда “Ўзбекгеофизика” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган.</p>	<p>17.3. Основы противодействия коррупции в обществе регламентированы Законом Республики Узбекистан “О противодействии коррупции”, законодательными актами по противодействию коррупции, антикоррупционной политикой АО “Узбекгеофизика” от 3 января 2017 года № ЗРУ-419 и другими внутренними нормативными актами.</p>
<p align="center">18. Пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш</p>	<p align="center">18. Борьба с отмыванием денег и финансированием терроризма</p>
<p>18.1. Жамият фақат қонуний фаолиятни амалга оширадиган ва ўз даромадларини фақат қонуний манбалардан оладиган ишончли миждозлар ва контрагентлар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш учун мумкин бўлган барча чораларни қўллаиди.</p>	<p>18.1. Общество предпринимает все возможные меры для установления деловых отношений с надежными клиентами и контрагентами, которые осуществляют только легальную деятельность и получают свой доход только из законных источников.</p>
<p align="center">19. Жамият ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш</p>	<p align="center">19. Защита интересов работников Общества</p>
<p>19.1. “Ўзбекгеофизика” АЖ ходимлари хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш Жамият раҳбарияти томонидан амалга оширилади.</p>	<p>19.1. Защита сотрудников АО “Узбекгеофизика” от угроз, оскорблений, клеветы и других противоправных действий, связанных с исполнением служебных обязанностей, осуществляется руководством Общества.</p>
<p>19.2. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкасблари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўриладиган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.</p>	<p>19.2. Принимаются меры по защите сотрудников от возможных угроз и опасностей, связанных с воспрепятствованием выполнению возложенных на них обязанностей, обращениями, направленными на уклонение от совершения преступления или иного правонарушения, а также сообщением о нарушениях, совершенных или готовящихся к совершению коллегами.</p>
<p align="center">20. Жамиятда Ахлоқ Кодексига риоя этилишини назорат қилиш</p>	<p align="center">20. Контроль за Соблюдением Кодекса Этики в обществе</p>
<p>20.1. Жамият ходимларининг мазкур Кодекс қоидаларини бузиши, ходимлар интизомини назорат қилиш, тегишли қоидабузарлик ва низоли вазиятларни кўриб чиқиш мақсадида махсус тузилган “Одоб-Ахлоқ” Комиссияси томонидан амалдаги қонунчилик талабларига, ушбу Кодексга меъёрларига асосан кўриб</p>	<p>20.1. Нарушение сотрудниками Общества правил настоящего Кодекса, надзор за дисциплиной персонала, рассмотрение соответствующих нарушений и конфликтных ситуаций рассматриваются специально созданной комиссией “по этике” на основании требований действующего законодательства, норм</p>

<p>чикилади, шунингдек, ходимларга мураккаб ахлоқий вазиятларни ҳал қилиш юзасидан маслаҳат берилади.</p> <p>“Одоб-ахлоқ” Комиссияси келиб тушаётган масалаларни адолатли ва ҳолисона кўриб чиқади, унинг фаолияти ва қарорлари Жамият бошқарувидан мустақилдир.</p>	<p>настоящего Кодекса, а также даются советы работникам по разрешению сложных этических ситуаций.</p> <p>Комиссия по “Этике” рассматривает поступающие вопросы справедливо и беспристрастно, ее деятельность и решения не зависят от управления Обществом.</p>
<p>20.2. “Ходимларни бошқариш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими” томонидан мазкур Ахлоқ Кодекси билан ходимлар тилхат асосида имзо қўйдирган ҳолда таништирилади.</p>	<p>20.2. “Отдел подготовки, переподготовки и управления персоналом” осуществляет ознакомление сотрудников с настоящим Кодексом этики и получает расписки об ознакомлении.</p>
<p>20.3. Мазкур Кодексни бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви Жамият Бошқарув раисининг ёки Кузатув Кенгашининг кўрсатмасига мувофиқ “Одоб-ахлоқ” Комиссияси томонидан ўтказилади.</p>	<p>20.3. Служебная проверка по факту нарушения настоящего Кодекса проводится комиссией по “Этике” в соответствии с поручением Председателя правления Общества или Наблюдательного совета.</p>
<p align="center">21. Жамиятда Ахлоқ Кодексига риоя этмаганлик учун жавобгарлик</p>	<p align="center">21. Ответственность за несоблюдение кодекса Этики в Обществе</p>
<p>21.1. Жамият ходимлари эгаллаб турган лавозимидан ёки бошқа омиллардан қатъий назар, ушбу Кодекснинг барча тамойил ва талабларига риоя қилмаганликлари учун шахсан жавобгардирлар.</p> <p>Жамият раҳбарияти ҳамда унинг таркибий бўлинма бошлиқлари томонидан мазкур Кодекснинг тамойиллар ва талабларига риоя қилинмаганлиги учун ҳам жавобгар бўладилар.</p>	<p>21.1. Работники Общества несут персональную ответственность за несоблюдение всех принципов и требований настоящего Кодекса, независимо от занимаемой должности или иных факторов.</p> <p>Ответственность за несоблюдение принципов и требований настоящего Кодекса также несут руководство Общества и руководители его структурных подразделений.</p>
<p>21.2. Жамият ходимлари томонидан Ахлоқ Кодексига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.</p>	<p>21.2. Факт несоблюдения кодекса этики работниками Общества является основанием для применения к ним мер морально-дисциплинарного воздействия.</p>
<p>21.3. Жамият ходимларининг Ахлоқ Кодексига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.</p>	<p>21.3. Соблюдение Кодекса Этики работниками Общества является одним из основных критериев оценки их деятельности, а также служебной этики.</p>
<p>21.4. Жамият ходимлари томонидан Ахлоқ Кодексига риоя қилиниши ҳолати уларни келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.</p>	<p>21.4. Соблюдение Кодекса Этики работниками Общества учитывается при их последующем назначении на руководящие должности и формировании резерва руководящих кадров.</p>
<p>21.5. Мазкур Кодекс қоидаларига риоя этмаганлик учун ходимларига қуйидаги жазо чоралари қўлланилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - огоҳлантириш; - интизомий чоралар; - коллегиял йиғилишларда танбеҳ бериш. 	<p>21.5. За несоблюдение положений настоящего Кодекса к сотрудникам применяются следующие жазомеры наказания:</p> <ul style="list-style-type: none"> - предупреждение; - дисциплинарные меры; - выговоры на коллегиальных заседаниях.
<p>21.6. “Одоб-ахлоқ” Комиссияси Жамият ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Жамият Бошқарув раисига тақдимнома киритиши мумкин.</p>	<p>21.6. Комиссия по “этике” может представить Председателю правления Общества представление о применении к работнику Общества меры дисциплинарного воздействия.</p>

<p>Ахлоқ Кодекси талаблари Жамият Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни Жамият Кузатув Кенгашига юборади.</p> <p>Жамият ходимининг Ахлоқ Кодексини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.</p>	<p>В случае нарушения требований Кодекса Этики Председателем правления Общества и его заместителями, предложения по вопросу принятия в отношении них соответствующих мер, направляются в Наблюдательный совет Общества.</p> <p>Нарушение Кодекса Этики работником Общества является основанием для привлечения его к дисциплинарной и иной ответственности в соответствии с законом.</p>
<p align="center">22. Қоидабузарликлар ҳақида маълум қилиш</p>	<p align="center">22. Сообщение о нарушениях</p>
<p>22.1. Жамиятнинг барча ходимлари Кодекс меъёрларининг ҳар қандай ҳақиқий ёки потенциал бузилиши ҳақида виждонан хабар беришга мажбурдирлар. Кодекс меъёрларининг бузулиши ҳақида “Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш Сийёсати”га мувофиқ хабар бериши лозим.</p>	<p>22.1. Все работники общества обязаны добросовестно сообщать о любых фактических или потенциальных нарушениях норм Кодекса. О нарушениях норм Кодекса следует сообщать в соответствии с “Политикой уведомления о нарушениях”.</p>
<p>22.2. Биринчи қадам сифатида ходим ўз муаммоси ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига ёки юқори даражадаги раҳбариятга хабар бериши керак. Агар раҳбар билан боғланиб бўлмаса ёки муаммога алоқадор бўлса, ёки агар ходим муаммо ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига хабар қилишни истамаса Жамият “Одоб-ахлоқ” комиссиясига ёки “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига, зарур ҳолларда Жамият Бошқарув органига ёки Жамият Кузатув Кенгаши ҳузуридаги “Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси” га хабар бериши лозим.</p>	<p>22.2. В качестве первого шага сотрудник должен сообщить о своей проблеме своему непосредственному руководителю или руководству высшего звена. Если с руководителем невозможно связаться или он имеет отношение к проблеме, или если сотрудник не хочет сообщать о проблеме своему непосредственному руководителю, сообщить об этом в комиссию по этике или в отдел “Противодействия коррупции и комплаенс-контроля”, при необходимости в руководящий орган Общества или в “Комитет по борьбе с коррупцией и этике” при наблюдательном совете Общества.</p>
<p>22.3. Жамиятнинг ходимлари, жисмоний ва юридик шахслар Жамият ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ёки ахлоқига шубҳа борлиги ҳақида маълумот бўлса, қуйидаги ахборот каналларидан бирига маълум қилишлари мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бевосита раҳбарга; - Жамият Бошқарув раисига; - Жамиятнинг “Одоб-ахлоқ” Комиссияси раисига (тел. 71-286-24-06); - ишонч телефон орқали -71-264-84-05; - почта орқали - 100060, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк келажак кўчаси, 5 уй (тел. 71-264-84-94); - Жамият расмий веб-сайти орқали - https://www.uzbekgeofizika.uz; - тўғридан-тўғри “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига (тел.: 99-370-01-07, электрон почта - 	<p>22.3. Работники Общества, физические и юридические лица при наличии информации о наличии сомнений в законности или этичности действий работников общества могут сообщить об этом по одному из следующих информационных каналов:</p> <ul style="list-style-type: none"> - непосредственному руководителю; - Председателю правления Общества; - Председателю Комиссии общества по этике (тел. 71-286-24-06); - по телефону доверия -71-264-84-05; - по почте-100060, г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Буюк келажак, дом 5 (тел. 71-264-84-94); - через официальный сайт общества - https://www.uzbekgeofizika.uz; - непосредственно в отдел “Противодействия коррупции и комплаенс-контроля” (тел.: 99-370-01-07, электронная почта-

<p>anticorruption@uzbekgeofizika.uz);</p> <ul style="list-style-type: none"> - Жамият Кузатув Кенгаши ҳузуридаги “Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси” раисига; - мазкур Кодекса кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари орқали юқори турувчи ташкилот ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга. 	<p>anticorruption@uzbekgeofizika.uz);</p> <ul style="list-style-type: none"> - председателю “Комитета по противодействию коррупции и этике” при Наблюдательном совете Общества; - вышестоящей организации или правоохранительным органам по иным каналам связи, не указанным в настоящем Кодексе.
<p>22.4. Жамият рўйхатдан ўтган, белгиланган тартибда келиб тушган барча хабар ва мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди.</p>	<p>22.4. Общество обеспечивает беспристрастное и своевременное рассмотрение всех зарегистрированных, поступивших в установленном порядке сообщений и обращений в соответствии с требованиями законодательства Республики Узбекистан и внутренними нормативными актами Общества.</p>
<p>22.5. Жамият, хусусан, қоидабузарликлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқишга масъул ходимлар ишончли хабар берган шахсга доир маълумотлар сир сақланишини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).</p>	<p>22.5. Общество, в частности, сотрудники, ответственные за прием, обработку и рассмотрение сообщений о нарушениях, обеспечивают конфиденциальность информации о доверенном лице (за исключением случаев, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан).</p>
<p>22.6. Жамият ушбу Кодекс қоидаларини Жамиятнинг бошқа ходими томонидан бузилиши мумкинлиги ёки унинг шубҳали ахлоқи ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан таъқиб қилиш, ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаслигини кафолатлайди ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.</p>	<p>22.6. Общество гарантирует недопустимость случаев преследования, увольнения, понижения в должности, дискриминации в отношении сотрудников, добросовестно сообщивших о возможном нарушении положений настоящего Кодекса другим сотрудником Общества или о своей сомнительной этике, и защищает их интересы.</p>
<p>22.7. Била туриб ёлғон маълумот, ёлғон гувоҳлик бериш ёки тухмат қилиш, инсофсизлик, ифвогарлик, ахборотни манипуляция қилиш ёки бошқа қоидабузарлик исботланадиган бўлса мазкур Кодекс қоидаларини бузиш ва ахлоқсизлик ҳисобланиб, бундай хабарни берган ходим Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.</p>	<p>22.7. При доказательстве заведомо ложной информации, лжесвидетельства или клеветы, нечестности, нечестности, манипулирования информацией или иного нарушения правил настоящего Кодекса сотрудник, представивший такое сообщение, может быть привлечен к ответственности в соответствии с законами Республики Узбекистан и внутренними нормативными актами Общества.</p>
<p>22.8. Жамият ушбу Кодекснинг қонун ва қоидаларини бузиш эҳтимолига алоқадор бўлган ходимларга нисбатан текширув ўтказди. Кодекснинг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, ходим амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин ва унга нисбатан тегишли таъсир чоралари, шу жумладан ишдан бўшатилишгача бўлган интизомий жазолар қўл қўлланилиши мумкин.</p>	<p>22.8. Общество проводит расследование в отношении сотрудников, причастных к возможному нарушению законов и положений настоящего Кодекса. В случае выявления фактов нарушения кодекса работник может быть привлечен к ответственности в соответствии с действующим законодательством и в отношении него могут быть применены соответствующие меры воздействия, в том числе дисциплинарные взыскания вплоть до увольнения.</p>
<p>23. Ходимларга маслаҳат бериш</p>	<p>23. Консультирование сотрудников</p>

<p>23.1. Ходимларда мазкур Кодекс билан боғлиқ савол туғилса, бевосита ўз раҳбарига ва/ёки “Одоб-ахлоқ” Комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.</p>	<p>23.1. Сотрудники могут напрямую связаться со своим руководителем и/или комиссией по “Этике”, если у них возникнут вопросы.</p>
<p>23.2. “Одоб-ахлоқ” Комиссияси манзилига юборилган саволларга электрон почта орқали жавоб берилиши мумкин.</p>	<p>23.2. На вопросы, отправленные на адрес Комиссии по “Этике”, можно получить ответ по электронной почте.</p>
<p>24. Якуний қоидалар</p>	<p>24. Заключительные положения</p>
<p>24.1. Мазкур Кодекс доимий амал қиладиган ички меъёрий ҳужжат бўлиб, Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилинганга ёки янги таҳрири тасдиқланганга қадар амал қилади.</p>	<p>24.1. Настоящий Кодекс является постоянно действующим внутренним нормативным документом, вступающим в силу с момента утверждения Наблюдательным советом общества и действует до его отмены или утверждения новой редакции.</p>
<p>24.2. Мазкур Кодекс қуйидаги ҳолатларда қайта кўриб чиқилади ва тузатишлар амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарганда; Жамиятнинг стратегияси ва мақсадлари ўзгарганда; самарасиз чора-тадбирлар ва амалиётлар аниқланганда ва уларни такомиллаштиришга зарурат пайдо бўлганда; Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ёки фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва ҳ.к.</p>	<p>24.2. Настоящий Кодекс пересматривается и корректируется в следующих случаях: при изменении законодательства Республики Узбекистан; при изменении стратегии и целей Общества; при выявлении неэффективных мер и практик, и необходимости их совершенствования; при изменении сферы деятельности или организационной структуры Общества.</p>
<p>24.3. Мазкур Кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Жамият Кузатув Кенгашининг қарори билан амалга оширилади.</p>	<p>24.3. Внесение изменений и дополнений в настоящий Кодекс осуществляется по решению Наблюдательного совета Общества.</p>

*“Ўзбекгеофизика” АЖнинг
Ахлоқ Кодексига
1 - Илова*

**“Ўзбекгеофизика” АЖнинг
“Одоб-ахлоқ” комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

Тошкент-2023 йил

*Приложение 1
к Кодексу Этики
АО “Узбекгеофизика”*

**ПОЛОЖЕНИЕ
О комиссии по “Этике”
АО “Узбекгеофизика”**

Ташкент-2023 год

1. Умумий қоидалар	1. Общие правила
<p>1.1. Ушбу Низом “Ўзбекгеофизика” АЖнинг Ахлоқ Кодексига (бундан буён матнда - Кодекс деб юритилади) мувофиқ ишлаб чиқилган.</p>	<p>1.1. Настоящее положение разработано в соответствии с Кодексом этики АО “Узбекгеофизика” (далее - Кодекс).</p>
<p>1.2. Ушбу Низом “Одоб-ахлоқ” комиссиясини (бундан буён матнда - Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солиди.</p>	<p>1.2. Настоящим Положением регламентируется деятельность комиссии по “Этике” (далее-Комиссия).</p>
<p>1.3. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, соҳага оид қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг буйруқларига, Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларига ҳамда “Ўзбекгеофизика” АЖнинг Ахлоқ Кодексига ва ушбу Низом қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.</p>	<p>1.3. Деятельность Комиссии регулируется Конституцией Республики Узбекистан, отраслевым законодательством, решениями палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, указами, постановлениями и распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета министров, приказами министерства горнодобывающей промышленности и геологии, правилами корпоративного управления для предприятий с государственным участием, АО “Узбекгеофизика”, в соответствии с Кодексом этики и настоящим Положением.</p>
<p>1.4. Комиссия фаолиятининг асосий вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Жамият ходимларнинг амалдаги қонунчиликка, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш; - Жамият ходимлари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; - жисмоний ва юридик шахсларнинг Жамият ходимларининг хатти-ҳаракатларига доир муурожаатларини кўриб чиқиш; - Жамият ходимларининг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш; - Жамият ходимларининг Кодекс талабларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш; - мураккаб ахлоқий вазиятларни ҳал қилишда ходимларга маслаҳат ёрдами кўрсатиш; - касбий этика нормаларига мувофиқ низоли вазиятларнинг олдини олиш; - интизомий чораларни қўлламасдан юзага келган ахлоқий муаммони ҳал қилиш имкониятини аниқлаштириш мақсадида ходимлар томонидан Кодекс нормаларини бузилишининг дастлабки ўрганишларни ўтказиш; 	<p>1.4. Основными задачами деятельности Комиссии являются:</p> <ul style="list-style-type: none"> - рассмотрение Обществом вопросов соблюдения работниками действующего законодательства, правил этикета, проведение служебных проверок; - осуществление комплексных мер, направленных на предупреждение поведения, противоречащего нормам морали, среди работников Общества; - рассмотрение обращений физических и юридических лиц по поводу поведения работников Общества; - рассмотрение вопросов, связанных с защитой чести и достоинства работников Общества; - разработка предложений по совершенствованию требований Кодекса к работникам Общества; - оказание консультативной помощи персоналу в решении сложных этических ситуаций; - предупреждение конфликтных ситуаций в соответствии с нормами профессиональной этики; - проведение предварительного изучения нарушений норм Кодекса сотрудниками с целью выяснения возможности решения возникшей этической проблемы без применения дисциплинарных мер;

<p>- Жамият ходимлари томонидан Кодекс қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида давлат органи ва Жамият Бошқарув раиси, Кузатув Кенгашини ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш;</p> <p>- Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>- анализ состояния соблюдения сотрудниками Общества положений Кодекса, информирование о результатах председателя государственного органа и правления Общества, Наблюдательного совета и общественности;</p> <p>- Подготовка предложений по внесению изменений и дополнений в Кодекс.</p>
<p align="center">2. Комиссияни шакллантириш ва унинг ишини ташкил этиш.</p>	<p align="center">2. Формирование Комиссии и организация ее работы.</p>
<p>2.1. Комиссия таркиби Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.</p> <p>Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган ходимлар киритилади.</p> <p>Комиссиянинг шахсий таркиби Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади ва доимий равишда фаолият юритади.</p> <p>Комиссия аъзолари ва унинг ишига жалб қилинган шахслар бепул ишлайди.</p>	<p>2.1. Состав Комиссии должен состоять из председателя, секретаря и членов Комиссии, общим числом не менее пяти человек и нечетным числом членов.</p> <p>В состав Комиссии входят опытные, заслужившие авторитет в трудовом коллективе сотрудники.</p> <p>Персональный состав Комиссии утверждается Наблюдательным советом Общества и действует на постоянной основе.</p> <p>Члены Комиссии и лица, участвующие в ее работе, работают бесплатно.</p>
<p>2.2. Комиссия таркиби шундай тузиладики, комиссия томонидан қабул қилинган қарорларга таъсир қилиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли чиқариб ташланади.</p>	<p>2.2. Состав Комиссии составляется таким образом, чтобы исключалась возможность конфликта интересов, который может повлиять на принимаемые Комиссией решения.</p>
<p>2.3. Комиссия раиси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Комиссия ишини ташкил қилади; - Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказди; - Комиссия аъзолари, жалб этилган мутахассислар, экспертларга тегишли кўрсатмалар беради; - маъмурият билан муносабатларда Комиссиянинг мавқеини ифодалайди; - Комиссия аъзоларига унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади, шунингдек, Комиссия фаолияти тўғрисидаги ёзма йиллик ҳисоботни “Ўзбекгеофизика” АЖ Бошқарув раисига ва Кузатув Кенгашига тақдим этади; 	<p>2.3. Председатель Комиссии:</p> <ul style="list-style-type: none"> - организует работу Комиссии; - созывает и проводит заседания Комиссии; - дает соответствующие поручения членам Комиссии, привлеченным специалистам, экспертам; - представляет позицию Комиссии в отношениях с администрацией; - представляет членам Комиссии отчеты о ее деятельности, а также представляет письменный годовой отчет о деятельности Комиссии Председателю правления и Наблюдательному совету АО “Ўзбекгеофизика”;
<p>2.4. Комиссия раиси йўқлигида унинг ваколатларини раис ўринбосари амалга оширади.</p>	<p>2.4. В отсутствие председателя Комиссии ее полномочия осуществляет заместитель председателя.</p>
<p>2.5. Комиссия котиби:</p> <ul style="list-style-type: none"> - муружаатларни рўйхатга олади, комиссия ҳужжатларини сақлайди, унинг мажлисларини тайёрлайди; - Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади; 	<p>2.5. Секретарь Комиссии:</p> <ul style="list-style-type: none"> - регистрирует обращения, хранит документы Комиссии, готовит ее заседания; - решает вопросы организационно-технического обеспечения деятельности Комиссии;

<p>- Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, Жамият ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;</p> <p>- кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;</p> <p>- Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади;</p> <p>- Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.</p>	<p>- обеспечивает своевременную подготовку всех необходимых материалов к очередному заседанию Комиссии, запрашивает у работников Общества необходимые документы и информацию;</p> <p>- организует проведение заседаний Комиссии в соответствии с повесткой дня;</p> <p>- информирует членов Комиссии и приглашенных лиц о месте, дате и времени проведения заседания Комиссии, а также о вопросах, включенных в повестку дня;</p> <p>- оформляет протокол заседания Комиссии и обеспечивает направление утвержденного протокола заинтересованным лицам.</p>
